БАНГЛАДЕШДАН КЕЛИБ

ТОШКЕНТ. Вилоятнинг туман ва шаҳарларида қўшма корхоналар кўпаймоқда. Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли корпорацияда янги корхона бунёд этишга киришилди. Бангладеш Республикасидан келган мутахассислар ип-йигирув фабрикаси қуриб беришмоқчи. Қурилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Яқин орада 140 кишини иш билан таъминлайдиган янги корхонада кунига 1,5 — 1,7 тонна толани қайта ишлаш имконияти яратилади.

Сохибжон САЛИМОВ.

ҒУЗОРЛИКЛАР МАМНУН

ҚАШҚАДАРЁ. Ғузорда бир йўла 750 беморга тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган шифохона фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларини 244-қўшма қурилиш ташкилоти бинокорлари амалга оширдилар. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу сиҳатгоҳда саломатликни мустаҳкамлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Юнус УЗОҚОВ.

СЎНГГИ СОАТДА
янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Разалкентдаги Узбекистон — Германия "Конвит" қўшма корхонасида чиқаётган печеньелар сифат ва мазалилиги билан ажралиб туради.
Суратда: операторлар Шоҳида Эргашева ва Мавлуда Қодирова.
Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ҒИШТИН УЙГА НИМА ЕТСИН?

НАМАНГАН. Норин туманидаги "Тошкент" жамоа хўжалигида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш заводи қурилмоқда. Корхонани республика қурилиш материаллари концерни буюртмасига мувофиқ вилоят "Агроқурилиш" трести бинокорлари тиклашяпти. У фойдаланишга топширилгач, келаси йилдан бошлаб йилига 20 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади, юз киши иш билан таъминланади.

Зокиржон ЮНУСОВ.

РАҒБАТ ВА МАЪНАВИЯТ

БУХОРО. Ғиждувон туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Маҳмуд Норпўлатов билан ХДП бошланғич партия ташкилоти котиби Тўхта Қурбонов бир тўхтамга келишди. Партия фаолларидан бир гуруҳини "Ўзбекистон овози"га рағбат тариқасида обуна қилинадиган бўлди. Шофирконлик шифокорлар ҳам бундай манфаатдорликдан четда қолишмади. Туман марказий касалхонаси жамоасидан 19 нафари газетамизга бир йилга обуна бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 14 декабрь, шанба № 159 (22.080).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҲОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА УЛАРНИНГ САРМОЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришни, уларнинг сармоя билан боғлиқ фаолиятини кучайтиришни, юқори малакали ишчилар ва мутахассисларни жалб этишни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига, валюта операцияларини амалга оширишга лицензияси бўлган тижорат банкларига ўз маблағи ва жалб этиладиган кредит ресурслари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларига эркин алмаштириладиган валютада кредит беришга, шунингдек сармоя учун валюта билан бериладиган кредитларга фоиз ставкаларини мустақил белгилашга рухсат этилсин.

2. Хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун иш ҳақига сарфланадиган маблағларни давлат йўли билан бошқаришнинг амалдаги тартиби 1997 йил 1 январдан бекор қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки бир ҳафта муддатда амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мазкур Фармон асосида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни тайёрласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажоновга юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 13 декабрь.

Тадбиркорлик

ГАПКИ ИШГА МУНОСИБ БЎЛСА...

Ижодкорлар ҳар бир муҳим асарига нуқта қўйдими, уйнинг саранжом - саришталигию озодалигини кўздан кечирар экан. Бу бор гап...

Ҳар кимнинг таъби-да, Термиз шаҳар нефть маҳсулотлари таъминоти идораси бошлиғи Жайлов Бекмуродов ҳам иншо этилган гаплардан бохабарлиги боисми, «Ўзбекистон — менинг Ватаним», — деди фахр билан.

Корхонага боринг-у, кейинги бир-икки йил ичида қилинган ишларни кўринг.

Корхона эллик олтинчи йили очилган. Ҳа, ёнилғи идишлари сўппайиб турган, атрофи шунчаки тўсиқ билан ўралган кўримсизгина жой эди. Тўғриси, Термизнинг ёз фаслида энг иссиқ (жазирама маъносида), қиш фаслида энг совуқ кўринадиган нуқталаридан бири эди.

Бу ерда бир ярим гектарлик майдонда боғ яратилди. Уч сотих ерни ёпиб лимон ўстирди. Очиқ-сочиқ ерлар гулзорга айлантирилди. Жамоаси учун чорва ташкил қилди. Тикув цехи очилди ва ҳатто мўъжазгина теннис корти қурдирди.

Корхона қошида тегирмон очиш, иссиқ нон цехини ташкил қилиш, спорт тўгаракларини кўпайтириш ва имкон бўла қолса бирон-бир қўшма корхона қуриш режалари — навбатда турган ишлар.

Хуллас, корхонанинг 5 гектарлик сатҳи саранжом-сариштa. Демакки, шаҳарнинг (нафақат шаҳарнинг) обод масканларидан бирига айланган. Демакки, унинг «Ўзбекистон — менинг Ватаним» деган гапи ишларига муносиб кўриняпти. Ҳали яна олдинда муҳим режалар бор, боя айтганимиздек...

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁНИНГ БИР КУНИ

• **БМТ.** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун 1996 молия йили инқирозли бўлди. Айни пайтда унинг ғазнасидаги маблағ атиги 178 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Турли мамлакатларнинг БМТдан қарзи эса 2,3 миллиард доллардан ошиб кетган.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, 1996 йили БМТга аъзо 185 давлатдан фақатгина 97 таси мазкур ташкилот жамғармасига 1,3 миллиард доллар пул ўтказган. Қарздор мамлакатлар ичида энг асосийси АҚШ ҳисобланиб, у БМТ билан бўлган баъзи келишмовчиликлар туфайли ушбу ташкилот жамғармасига зиммасидаги маблағни ўтказмай келаётир. АҚШнинг қарзи 1,4 миллиард долларни ташкил қилади.

***

• **ЛОНДОН.** Британия полицияси 12 декабрь куни мамлакатнинг машҳур саноатчи миллионерларидан бири, 55 ёшли Ричард Уотсоннинг мурдасини топди.

Маълумотларга қараганда, Р. Уотсон ёлланган қотил томонидан шафқатсизларча ўлдирилган. Текширув чоғида миллионернинг россиялик ҳамкасбларида шубҳа уйғотгани, шунингдек, талайгина қарзга ботиб қолгани аниқланди.

***

• **ПАРИЖ.** Франция президенти Жак Ширак мамлакат ҳукуматининг обрўси тушиб кетганига қарамай, унинг таркибини ўзгартирмасликка қарор қилди.

Маҳаллий кузатувчилар бош вазир Ален Жоппенинг истеъфога чиқишини башорат қилсаларда, Президент Жак Ширак унга тўла ишонишини билдирди.

***

• **БЕРЛИН.** Германия билан Жанубий Африка Республикаси ўртасида ҳарбий техника соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Битимга кўра, Германия Жанубий Африка Республикаси ҳарбий заводларини замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлайди. Шунингдек, немис зобитлари Жанубий Африка Республикаси ҳарбий аскарларини ўқитади ва ҳарбий машқлар ўтказади.

Жанубий Африка Республикаси билан тузилган бу шартнома Германия учун 450 миллион АҚШ доллари миқдорида соф фойда келтиради ва 4 минг нафар Германия фуқаросини иш билан таъминлайди.

***

• **ҚОҲИРА.** Яқин Шарқ мамлакатлари қурол-яроғ ҳарид қилиш борасида дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Халқаро стратегия институти маълумотларига кўра, бу минтақа давлатлари бир йил мобайнида 30 миллиард АҚШ доллари миқдорида қурол-яроғ сотиб олган.

Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ҳам 1995 йилда 7,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида қурол-яроғ ҳарид қилган. Саудия Арабистони мамлакат мудофааси учун 8,1 миллиард АҚШ доллари ажратиб, қурол сотиб олиш бўйича биринчиликни эгаллаб турибди.

***

• **ПРАГА.** Чехия билан Польша ўртасида ўзаро ҳарбий техника алмашиш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Мазкур шартномага кўра, Польша Чехияга 6 та «сокол» русумидаги вертолет етказиб берди. Чехия Россиянинг «МИГ-29» русумидаги 10 та қирувчи самолётини 11 та Польша вертолётига алмаштирди.

Чех ҳарбий мутахассислари бу алмашув Чехия учун фойда келтирмаслигини билдирдилар. Бироқ, Чехия НАТОга аъзо бўлишга интилаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун у мамлакат мудофаа тизимини Ғарб ҳарбий техникалари билан такомиллаштирмоқда.

ОЧИҒИНИ АЙТИНГ, СИРИНГИЗ НИМАДА?

Дабдурустдан масаланинг бу тарзда қўйилиши эриш туюлади, шундай эмасми? Зеро, фақат сиртдан шундай сўроқ зоҳир. Аслида бу жойда ютуқларнинг асл сабаби, ички моҳияти, меҳнатга ёндашувнинг тубдан фарқ қилувчи усули мавжуд. Қандай дейсизми?

Эътибор беринг-а, Шаҳрисабз туманидагина эмас, Қашқадарё вилоятининг анча-мунча хўжалиги иқтисодий ночор. Мўлжалдаги ҳосил ололмаганларни-ку қўяверинг, салмоқли натижага эришганларининг ҳаммасида ҳам ҳисоб-китоб жойида эмас. Бири ўғит ёки ёқилғининг пулини тўлолмаган, иккинчиси солиқни узолмаган, учинчиси, ишловчиларнинг ҳақини беролмайди... бир-биридан фарқ қилмайди: ўғит, ёқилғи қиммат, ғалла арзон сотилмоқда, пахта толасининг нархи паст, еримиз кучсиз, сув етишмаяпти ва ҳоказо. Ҳатто жамоа ёки ширкатлар ўзини оқламаётганлиги ҳақида гапираётганлар ҳам топилади. Бу хўжаликда ҳам, юқоридагидек, камчиликлар билан юзма-юз келишмоқда. Бироқ тадбиркорлик устун чиқаяпти. Мана, таққословчи маълумот: хўжалик бир неча йилдан буён пахта режасини ошириб адо этаяпти. Ғалла ҳосилдорлиги бу йил 55 центнерга етди. Бирор ташкилотдан қарздор эмас. Қишлоқлар 100 фоиз газлашди. Жамоа аъзолари ойма-ой иш ҳақларини олишмоқда... Лекин хўжаликнинг қирқ икки ёшли, касби иқтисодчи бўлган раисидан гап олиш қийин. Кўзлари кулимсираб турадиган раҳбар мақтанишни хуш кўрмайди. Хўжаликни айланаётганимизда, дарвозаси олдидаги курсида ўтирган етмиш ёшли Хурсанд бобо Тўраев билан суҳбатлашдик.

— Шу хўжаликда эллик йил ишлаб сувчилик қилдим, пахта етиштирдим, — дейди бобо. — Болта Фозилов раис бўлган йилларда омборимиз дон, қўлимиз пул кўрарди. Кейин барака-хайр кўтарилди. Хўжалик ҳеч ўзини ўнгломади. Худога шукр, ҳозир яхши яшаяпман. Нафақа оламан. Тўрт ўғлим, келинларим ишлайди. Ўтган йилги ғалламиз бор, бу йил ҳам 2 тонна дон олдик. Газ ёқаяпмиз. Бозорбой худди Болта акадай одамларга қайишадиган, ишнинг кўзини биладиган раис чиқди. Худо умрини узоқ қилсин...

1992 йилда олий ихтисосли иқтисодчи Бозор Эшдавлатов жамоа раиси қилиб сайланганда кўплар бу хўжалик иқтисодини умидсиз ҳисоблашарди. Ўн йиллар давомида қолоқ бўлиб юрган хўжалик кутилмаганда, туманда биринчи бўлиб пахта режасини бажарганда, яна ҳайрон қолишган эди. Одамларнинг талабига кўра жамоа Болта Фозилов номи билан атала бошлади. Одамлар ўзлари севган инсоннинг руҳини шод этишди. Янги раис элга катта тўй қилиб берди.

Ғамхўр бўлса раҳбаринг...

— Сиз сирлар ҳақида сўраяпсиз, — дейди Бозор Эшдавлатов ўйчанлик билан. — Бу жойда ҳеч қандай сир йўқ. Бошқариш ва меҳнатни ташкил қилишда ўзига хос муносабат бор. Хўжаликка раҳбарликни қабул қилганимда мен ҳам чўчиганман. Ерлар камқувват, муттасил режалар бажарилмаган, қарз қулоққача... Деҳқон учун техника керак, тракторларимиз эса бутунлай яроқсиз. Қарз кўтариб, 100 та янги трактор сотиб олдик. Қарзни уздик, аммо янги техника воситалари қудратли таянч бўлиб қолди. Ҳаммаси 1035 гектар ер бор эди. Айрим ерларда пахта ҳосилдорлиги 10 центнер экан. Бундай ерларни текисладик, ўғитладик. Тўқсон бешинчи йилда 160, бу йил 303 гектар ерга пахта экдик. Уч йилдан буён «Наманган-77» навли пахта ўстиряпмиз. Тўқсон тўртинчи йилда пахта ҳосилдорлиги 24 центнер, тўқсон бешда 42 центнер, бу йил ҳам 40 центнер атрофида бўлган. Тола ҳисобидан қувур келтирдик. Қишлоқлардаги жами 1350 хонадон юз фоиз газдан фойдаланяпти. Газлаштириш учун 86 миллион сўм сарфладик.

— Бу йил кузакда бир кило пахта терганга 2-3 килодан дон берибсизлар. Бундан зарар кўрмайсизларми? Кўплар донни арзон сотаётганидан нолишади...

— Агар меҳнатга муносабат ўзгармаса, одамлар тақдирланмаса, ҳеч қандай натижа чиқмайди, — дейди раис. — Ғалла ҳосилдорлиги паст бўлса — зарар. Биз 620 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан дон олдик. Давлатга режадагидан 1000 тонна зиёд дон сотдик. Уруғлик ўзимиздан чиқаяпти. Одамларга 400 тонна дон тарқатдик. Ёғ, ем, беряпмиз. Октябрь ойида пахтани тезроқ териб олиш учун одамларга дон бердик. Чунки майдонларни тезроқ тозалаш, ўрнига ғалла экиш керак эди.

Қишлоқ обод бўлмаса, деҳқон яхши яшамаса мамлакат қудратли бўлолмайди. Амалга ошаётган ислоҳотлар талаби шунда. Ўтмишда колхоз бўлган, ҳозир жамоа аталаётган хўжаликда ернинг чинакам эгалари, тадбиркорлар меҳнат қилишмоқда. Яна таққословчи мисол: хўжаликдан ажратиб олиниб, акциядорлик жамияти тузилган чорвачиликда ишлар ўнгланмаяпти. Йўқса улар ҳам янгича мустақил ташкилот. Ҳозир кўплаб чорвачиликдаги, ҳиссадорлик жамиятлари таназзулга учраб, асл эгаларига — жамоа ва ширкатлар ихтиёрига қайтарилмоқда. Раис эса бунга хоҳиш билдирмади. Тўғри қилишади. Кўрилган зарарни ким қоплайди? Фойда-зарарни ажратиб олганларгина, бугунги кун талабларини бажара олади. Бу ҳеч қандай сир-синоат эмас, айни ҳақиқатдир!

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОРИЖТАЛАБ ТОЛАЛАР

ҚАШҚАДАРЁ. Ғузор тумани пахта тозалаш заводи қайта таъмирлангандан кейин бир кеча-кундузда 100 тонна пахта қайта ишланиб, 25-30 тоннагача тола олинмоқда. «Маҳсулотларимизнинг асосий қисми Швейцария, Туркия, Мальта каби давлатларга экспорт қилиняпти, — дейди завод директори И. Маҳмудов. — Корхонада эса шароитлар етарли».

Илҳом КАРОМОВ.

БИР ЙЎЛА 100 БЕМОРГА ХИЗМАТ

БУХОРО. Ромитанда соғлом авлод дастурига мувофиқ даволаш ва муолажа маркази биноси фойдаланишга топширилди. Уч қаватли бу бинода бир вақтнинг ўзида 100 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатиш имконияти бор. Марказ ультратовуш ёрдамида ташхис қўйиш, электрокардиограмма, функционал диагностика бўлимлари, биохимия хонасига эга.

(Ўз мухбиримиздан).

ДАРОМАД БАРАКАЛИ

Нукусдаги кабель ишлаб чиқариш хиссадорлик жамияти ўз маҳсулотини хорижга жўнатмоқда. Жумладан, Болтиқбўйи республикалари билан қарийб 10 километр узунликдаги кабель — бахоси 2,5 миллион долларлик маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартнома тузилган. Ўтган 9 ой мобайнида 13 миллион 482 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Олинган фойда эса 1 миллион 46 минг сўмни ташкил этди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси 1997 йили Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати 1996 йилнинг 14 декабридан 1997 йилнинг 15 февралигача белгиланганлигини маълум қилади.

Мукофотга сазовор бўлган муаллифлар ва асарлар номи Наврўз байрами арафасида эълон қилинади.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжат тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

700000, Тошкент шаҳри.
Абдулла Тўқай кўчаси,
1-уй.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси.
Телефон: (3712) 34-83-54

«Ўзбекистон овози» «Кўнгил кўчалари»да ҳам янграмоқда

Элимизнинг таниқли санъаткорлари Тўти Юсупова, Маҳкам Муҳаммедов, Рафоэл Камолов, Файзулла Аҳмедовлар шу гапни исботлаб туришибди.

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

... АРМОНДА ҚОЛМАНГ!

УЛГУРГАНЛАР ДАРМОНДА...

Тошкентдаги «Саодат» ишлаб чиқариш жамоа корхонаси бош раҳбари Холида ОДИЛОВА:

«Ўз ҳисобимдан газетага обуна бўлдим, корхонамиз ҳисобидан 17 нафар киши обуна квитанциясин топширдик».

Таниқли хонанда Турсунбой ПАРПИЕВ:

«Газетада чоп этилажак шеърлар қўшиқлар қанотида янграшидан умидворман».

Кеча Сурхондарёнинг Қизириқ тумани «Агрохизмат» уюшмаси раиси, ЎзХДП МК аъзоси Э. Холиқовнинг хабар қилишича, туманда 210 киши хўжаликлар ҳисобидан «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишибди.

ЮРТИДАН АЙРИЛГАН ЮЗ ЙИЛ ЙИҒЛАР

Ёши саксонларга яқинлашиб қолган Бобоқул ота ҳаж сафарига отланар экан, ҳеч кимга билинтирмай ўзи туғилиб ўсган Хўжапешқу қишлоғи тупроғидан олиб жомадонининг бир чеккасига астагина жойлаштирди.

— Ахир киндик қон тўкилган муқаддас заминнинг бир ҳовучи хорижга чиққанингда ёнингда бўлгани маъқул-да, — дейди отахон. — Унинг ҳароратидан кўнглинг таскин топади, ўзингни бардам, хотиржам сезаркансан киши.

Дарвоқе, Бобоқул ота Арабистонда бўлиб Кабатуллоҳни зиёрат қилганда кампири Хосият буви билан бирга юрт қадри, Ватан соғинчини қанчалик туйгани ёлғизгина ўзига аён. Турли томондан келганларни билмайдию, лекин ўзбекистонликлар чеҳрасида юқоридаги манзарани кўрди. Бир пайтлар шўролар зўғумидан зада бўлиб хориждан паноҳ топган ўзбеклар билан дийдорлашганда ҳазрат Навоийнинг «Олтин қафас ичра гар қизил гул битса, булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш» деган дардли мисралари дилидан ўтди. Ҳа, улар бир кам дунё, деганларидек Ватан соғинчи, юрт мустақиллигини асрлар давомида кутдилар. Ниҳоят Президентимиз саъй-ҳаракати билан Ўзбекистон эшиклари энди уларга очилди.

— Дунёда гўзал мамлакатлар кўп экан. Аммо она-юртимиз Ўзбекистонга тенглашадигани йўқ , — дейди Хосият буви.

— Ҳа, бу — кекса онахоннинг қалб иқрори. Зеро, Ватан туйғусини сафарга чиққан, мусофирликни бошидан кечирган кишигина теранроқ англаб етади. Бу ҳақиқатни шу йилнинг бошида Америка сафарига бориб келган Бухоро вилояти аллия бошқармаси бошлиғи Қобил Ҳамроев суҳбатидан ҳам билса бўлади:

— Ватан тушунчаси кенг қамровли. Гўдак учун она бағри, чўпон учун сарҳадсиз саҳро, деҳқон учун муъжизакор дала, сайроқи қушлар учун эса чаманзор — Ватан, — дейди ғурур билан у.— Шу боис она юрт — Ўзбекистон ҳаммамиз учун беминнат, қадрдон гўша.

Суҳбатдошим океан ортида бўлган чоғида севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» шеърини бир неча бор хаёлидан кечирганини эслайди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ниҳоятда муқаддас. Уни ҳеч ким шоҳона турмуш, бойлик билан алмаштира олмайди. Бу заминга жону танимиз билан боғлиқ эканлигимизни дилдилдан ҳис этиб туришимиз даркор.

Халқимизда «юртидан айрилган юз йил йиғлар» деган ажойиб нақл бор. Эслаб кўрайлик, октябрь тўнтариши туфайли юзлаб ватандошларимиз ўз юртларини тарк этдилар.

Жумладан, Бухородан кетиб қолганлар ҳам ҳозирги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларида яшаб келаётирлар. Уларни сафарда бўлганлар ўз кўзлари билан кўриб дилдан суҳбат қурдилар. Туғри, уларнинг яшашлари ёмонмас. Аммо дилларида бир армон яширинган: Ватанни қўмсаш, чеҳраларида Ватандан йироқлик, қандайдир безовталик ташвиши сезилиб турганлигини англаш қийин эмас. Ўзга элда миннат эшитиш ҳам мумкин. Ҳар қалай шоҳми, гадоми ўз Ватанида яшаганига етмайди.

Ватан аслида остонадан бошланади. Бу ҳақ гап. Келажаги буюк давлатнинг мустақиллиги йўлида жон фидо этганлар ҳаёти тўғрисида ёшларга кўпроқ тушунтириш фойдадан ҳоли бўлмас. Шунда улар Ватан туйғусини янада теранроқ англаб етадилар. Юртимизнинг ҳар бир гиёҳи, тоғу тоши муқаддас эканлигини биладилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

Мустақиллик асослари

МАҲАЛЛА — АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИ

Асосий қонунимиз — Конституцияни ҳаётга татбиқида ҳамда ислоҳотлар жараёнининг ижтимоий-маънавий мазмунини ва ижросини такомиллаштириш йўлида оила ва маҳаллалар ҳаёти, ривожи ва равнақи катта ўрин тутади. Президент И. А. Каримов таъбири билан айтганда: **«Маҳалла... бу одамларни ўзлари томонидан сайланадиган ва фақат моддий нуқтаи назардан эмас, балки оилани мустаҳкамлаш, шахслар ўртасидаги ўзаро инсоний муносабатларга таъсир кўрсатувчи ўз-ўзини бошқариш органидир. Бу ўз-ўзини бошқарув тизими катта ҳокимиятга эга ва биз уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаймиз».**

Дарҳақиқат, оила мустаҳкам бўлса — маҳалла мустаҳкам, ҳамжиҳатликда бўлади. Маҳалла мустаҳкам бўлса — давлат осойишта ва барқарордир.

Ҳозирги кун қайта ўзгаришлар ва ислоҳотлар жадвалининг энг муҳим вазифаларидан бири — фуқароларимизни миллий қадриятларимизга асосланган ватанпарварлик, давлатимизнинг буюк келажагига ишонч руҳида тарбиялаш, комил инсон даражасига етказиш. Айниқса, ёшлар тарбиясига оила ва маҳаллада диққат-эътиборни кучайтириб бориш керак. Бунда «Оила — маҳалла — мактаб» деб номланган бир нечта жамоат ва хайрия ташкилотларнинг дастури муносиб ўрин тутяпти.

Маҳаллаларда амалга ошаётган яратувчи фаолият — ободонлаштириш, зироатлаштириш, уй-жойларни, ариқ-зовурларни таъмирлаш, маҳалла анъанавий маиший-савдо ва маданий марказларини — гузарларни бунёд этиш каби кенг кўламли ишлар таҳсинга сазовор ва айниқса, ёшларни изланишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга, фидойи меҳнатга меҳр қўйишга чорлашлиги, сафарбар қилишлиги билан ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Фақат икки йил чоғида — 1995-96 йилларда республика миқёсида 160 янги, шундай марказ гузарлар фойдаланишга топширилди. Шу жумладан Тошкентда бугунги кунгача 58 гузар қурилиб тугатилди. Масалан, умумхалқ Наврўз байрами арафасида Юнусобод туманида жойлашган Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳаллада маҳалла гузари очилиши муносабати билан катта байрам бўлиб ўтди. Гузар бир йил ичида қурилиб, мамнун ва миннатдор аҳоли ўз маҳалласининг идорасига, маданият саройига, дам олиш оромгоҳига, чойхонасига эга бўлди. Қўшни 20 минг аҳолига эга бўлган «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида ҳам жорий йилнинг охиригача гўзал ва турли ижтимоий-маиший эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган гузар мажмуаси ишга тушади. Гузарлар Тошкент шаҳрида ҳам, вилоятларда ҳам (шу кунгача Тошкент вилоятида юздан ортиқ маҳалла гузари қад кўтарди) асосан жамоатчилик ҳашари ва ҳокимликлар ҳамда ишбилармонларнинг холисона ёрдами туфайли бунёд этилмоқда.

Давлатимизда маҳалла тизимининг — фуқаролар йиғини ғоят самарали, ижобий натижа кўрсатаётганлиги туфайли бу ҳаракат қадимдан буён мавжуд бўлиб ерда жойлашган ҳовли хонадонларни бирлаштирувчи маҳаллалардан кўп қаватли турар уйлардан ташкил бўлган даҳа ва мавзеларга ҳам дадил қадам ташлади.

Бироқ шўролар даврида маҳаллалар кўп ҳолатларда расмий идоралар томонидан инкор қилинар эди, яъни кўп қаватли уйларда уларнинг ташкил бўлиши кўп қийинчилик ва машаққатлар билан боғлиқ эди ва фақатгина аҳолининг ташаббуси асосида шаклланган ва аста-секин ривожланган. Кейинчалик аҳоли жамоалари ўз ҳудудларида озодалик, ободончилик, аҳиллик, осойишталик, ҳамжиҳатлик каби ҳодиса ва фазилатларни яхши йўлга қўйганликлари боис ва энг муҳим сабаб-мустақилликка эришилгандан сўнг маҳаллий ҳокимият органлари ҳам уларга муносабатини ижобий ўзгартира бошлади. Ҳозирги вақтда кўп қаватли уйларда маҳалла йиғинлари яхши самаралар билан ишлаб келмоқдалар. Масалан, Чилонзор туманида илгаридан мавжуд бўлган 19-маҳаллага кўп қаватли уйлардан ташкил бўлган мавзелар ҳисобидан яна 26 та маҳалла ташкил этилди ва маҳаллалар сони 45 тага етди. Мирзо Улуғбек ва Акмал Икромов туманларида тегишли ҳолдаги 52 ва 50 маҳаллалардан 30-40 фоизларини кўп қаватли уйлардаги маҳаллалар йиғинлари ташкил қилади.

Биз учун Ватан — туғилган хонадонимиз, униб ўсган маҳалламиз, улғайиб камолга етган шаҳримиздан бошланади. Ватанни севмоқ иймондандир. Зеро, Ватанни севиш — унинг тарихи, ўтмишини пухта билиш, қадимий ёдгорликларни сақлаш, асраб-авайлаш ва маънавий қадриятларни ҳаётимиздаги бугунги улкан ислоҳотлар йўлида тўлиқ ишлата билиш, бу икки ноёб тарихий ижтимоий ва маънавий борлиғимизни мунтазам қиёслаб, уйғунлаштириб бориш демакдир.

Маҳалла йиғинлари раисларининг фаолияти (улар ҳам ҳудудий принцип асосида маълум ҳудудда фуқаролар билан биргаликда яшаш белгисига кўра сайланадилар) билан яқинроқ танишиш, уни бир нечта асосий йўналишларга бўлишни тақозо этади: ташкилий, хўжалик-иқтисодий, ижтимоий, жамоат тартиб-қонунчилигини сақлаш, жамоат ташкилотлари билан ишлаш муҳим аҳамият касб этади. Оқсоқоллар маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ҳашар ва байрамона тадбирлар уюштириш мақалаларидан бошлаб то «Маҳалла-корхона» дастурига асосан кичик ва ўрта ишбилармонлик тизимини ташкил этиш (бу йўналишда, тан олиш керак, ҳали ишлатилмаган имкониятлар кўп), аҳолини, айниқса, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, хотин-қизларга тегишли қўмиталар билан биргаликда уларнинг оилавий шароитларига мос келадиган, қулайроқ иш жойлари яратиб бериш, оилаларда тинчлик ва хотиржамлик ҳамда маҳалла ҳудудида ҳуқуқ-тартибот қоидаларини сақлаш каби кўп куч-ғайрат, чуқур амалий билимлар ва намунали муомала талаб қиладиган вазифаларни йиғин томонидан сайланган котиб ва маслаҳатчилар ёрдамида бажариб келаяптилар. Шуни айтиш жоизки, ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқаролар учун идора, бошқарув, жамоатчилик ташаббуси ва фаолияти мактаби бўлиб келмоқда. Бугунги кунда мазкур органларда фақат расмий вазифаларга — раис, котиб (уларга маҳаллий ҳокимият томонидан фаол жамоат меҳнатларини рағбатлантирувчи маош ҳам тўланади) ва маслаҳатчилар сифатида 50 минга яқин киши — маданий-маърифий, тарбиявий соҳаларни, ишбилармонликни ривожлантиришмоқда.

Ўзбеклар маҳалласи каби кучли, самарали ва таъсирчан восита бошқа — на Шарқ, на Ғарб мамлакатларида йўқ. Тўғри, кўпгина чет мамлакатларнинг қонунчилигида маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришга жиддий эътибор берилади. Шу билан биргаликда у ерда маҳаллий бошқарув органлари жамоат ваколатлик ҳайъатлари эмас, балки давлат тизимидаги муассасалар ролини ўйнаб келишмоқда ва биздаги шаҳар ва туман ҳокимликларининг фаолиятига ўхшаш ишларни бажарадилар.

Маҳалла тузилмасининг келажаги, ижтимоий равнақи ва маънавий қудрати унинг жамоа ваколатини ва фуқаролик бошқарув тамойилини сақлаб қолишидан келиб чиқади, айнан шу хусусият билан боғлиқ. Фуқаролар йиғини давлат маҳаллий бошқарув тизими билан ҳамкорликни узмасдан эл ва юрт бахти-саодати, осойишталиги ва фаровонлиги йўлида тинмай изланмоқдалар.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўрт йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқларида шундай дегандилар: «Ғарбча индивидуализм Шарқ кишисига ёт. Жамоа тартибида яшаш бизга мос. Маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Чунки маҳаллада кимнинг қандайлиги, ўз кунини ҳалол ёки қинғир йўллар билан кўраётгани кундай аёндир».

Муборак маскан — маҳаллада жўшқин ҳаёт қулф ураяпти. Тўлақонли ҳаёт ва ижод ўчоғи — қанча фарзандлари бўлса сиғиб кетадиган катта оиланинг ҳар кундаги маиший ҳаёти ҳам, фуқаролик келажаги, истиқболлари ҳам порлоқдир.

Шуҳрат МАҲМУДБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси профессори, тарих фанлари доктори.

Жаннатмакон диёрим

ХАТИРЧИ-КЎҲНА МАСКАН

Буюк истиқлол шарофати билан урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни қайта тиклаяпмиз. Шу жиҳатдан ҳар биримизда Ватан тарихи, она юртимиз, киндик қонимиз томган заминимиз тарихига бўлган қизиқиш ҳам ортиб боряпти. Мени ҳам кўп йиллардан бери ота-боболарим, она-момоларим макон айлаган қўналға — Хатирчим тарихи ўйлантириб келарди. Чунки, тарих китобларда, адабиётларда бу ҳақда бирор бир манба ёки у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар учрамасди. Сабаби—Хатирчи номининг келиб чиқиши ҳам унчалик кўҳна эмас экан. Бу заминнинг Хатирчи деб номланиши 1677 (мелодий) йилдан бошланганини изланишлар давомида билиб олдик. Ундан аввал Фарохин, Фароҳкент деб номланган қишлоқ, қалъа бўлганлиги юртимиз тарихини ўрганиш жараёнида маълум бўлди.

Ўзбек адабиётининг аллома шоири Алишер Навоийдан кейинги улуғ вакили Бобораҳим Машраб 1697-1709 йиллар орасида Хатирчида бўлиб, авлиё Гадойселкин ота мақбарасини зиёрат қилганликлари ул зотнинг «Девони Машраб»ида қайд этилган. Шунингдек, ҳазрат хўжа Баҳоуддин Нақшбанднинг авлодларидан Музаффархон ота Тозаевга Хатирчи замини иккинчи Ватан бўлган. Бундан ташқари заминимизда туғилиб, улғайиб ижод қилган, сўнгра Ҳиндистонда турли жанрларда баракали қалам тебратган Нажмиддин Муҳаммад Абулқосим Коҳий-Миёнколийдек забардаст аллома ҳам Хатирчи фарзанди бўлганидан қалбларимиз ғурур ва ифтихорга тўлади. Айтишларича, Бобурмирзо ҳам Шайбонийхон билан Добус қалъада бўладиган жанг олдидан туманимизнинг Боқчакалон қишлоғидаги «Оқ масжидда» (XV аср) намоз ўқиган.

Ислом дини мусулмончиликнинг Ватани Саудия Арабистони эса-да, унинг тараққиёти бизнинг мамлакатимизга ҳам боғлиқ. Унга муносиб ҳисса қўшган, ўзбек миллатини бутун оламга танитган, асрлар оша мусулмон оламида «Ҳидоя фи Фуруъ ал-Фиқҳ» (Фиқҳ соҳалари бўйича қўлланма»)ни яратган Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳоки-поклари ҳам бизнинг заминимизда. Ул зот яратган (ёзган) «Ҳидоя...» суннийликнинг ҳанафийлар мазҳабида кенг тарқалган шариат қонунлари ҳисобланади ва ислом мамлакатларидаги мусулмонлар орасида асосий қўлланма саналиши билан бирга мадраса ва университетларда ўрганилади. Бурҳониддин Марғинонийдек табаррук зотнинг руҳларини шод этишликни, тангри-таолога шукрларки, хатирчиликларга насиб этказди. Вақти-соати келиб ул мўътабар зотнинг оройиш топган жойларида мақбара қурилиб, зиёратгоҳга айлангай.

Хатирчи қўрғонида XX асрнинг 30-йилларигача 19 та масжид, икки мадраса, беш дарвоза, Сайлгоҳ ва Бозор дарвозалар орасида юзга яқин дўкон расталари, устахона, овқатланиш ва маиший хизмат нуқталари, мавжуд усти ёпиқ бозор — тим бўлган. Бу мадраса ва масжидларда мулла Абдуқодир Қўҳистоний, мулла Абдусалом Вобкандий, мулла Мирза Олим Кенжа ўғли Ғиждувоний, мулла Нурмуҳаммад Икром ўғли, мулла Абдужаббор хатиб каби аҳли донишлар ота-боболаримизга «Ҳафтияк», «Чор китоб», «Хўжа ҳофиз» ва «Суфи Оллоёр» дарсликларидан сабоқ берганлар.

Мустақиллик, истиқлол мамлакатимиздаги барча халқларни, шу жумладан Хатирчи тумани халқини ҳам келажаги буюк улкан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлига олиб чиқди. Туман географик жиҳатдан навқирон Навоий вилоятининг жанубий қисмида жойлашган. Маркази Хатирчи шаҳрида карийб 18 минг аҳоли яшайди. Шаҳарда пахта тозалаш заводи, қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш ва созлаш корхонаси, қатор маиший хизмат шахобчалари мавжуд. Шунингдек, Лангар кони ҳам бор. Дунё бозорига чиқиш чет эллик тадбиркорлар билан мол айирбошлаш мақсадида туманда халқаро юк ташиш автокорхонаси очилиб, унга 11 дона кўп тоннали «Мерседес-бенц» юк автомобиллари келтирилди, истиқболда улар сони яна кўпаяди. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Айни кунда туманда иқтисодий ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда. Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан қатор тадбирлар бажарилмоқда.

Раҳмон ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

КИМ БМТ БОШ КОТИБИ БЎЛАДИ?

БМТ. *Маълумки, Бутрос Бутрос Ғолийнинг ўрнини эгаллаш учун 11 декабрда бошланган ёпиқ мажлис икки кун давом этди. Икки кунлик «ёпиқ овоз»да БМТнинг Бош котиблиги лавозимини эгаллаб турган Бутрос Ғолий номзодига БМТнинг доимий аъзолари аввалгидек ветоталабидан чекинишмади. Яъни, Ғолийнинг номзоди «ўтмаслиги»нинг тарафдоридир. БМТ Бош котиби ёрдамчиси ганалик Кофи Аннан уч сўров натижасига кўра салмоқлигина овоз ололди. Эрталабки мажлисда унинг номзодига ҳам аввалгидек жамоатчилик фикри «вето» бўлди. Шарҳловчиларнинг айтишича, Франция БМТнинг эски раҳбариятига қарши эканлигини очиқ эълон қилди. Кофи Аннан номзодини 12 нафар аъзо ёқлади, 2 таси қарши ва битта вето овозга эга бўлди.*

ФИЛ СУЯГИ ҚИРҒОҒИ

Ташқи ишлар вазири Амара Эсси эса 7 овоздан 2 та вето, учинчи турда эса уни ёқловчилар сони кескин камайди, олти овоз ёқлади, 2 таси вето. АҚШ ва Буюк Британия эса Эсси номзодига вето ғоясини қатъиян илгари сурди. Яна икки номзод — нигериялик Ҳамид Альгабид ҳамда мавританиялик Аҳмад Ульдларни эса ёқловчилар жуда кам бўлди. БМТ бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий номзодининг иккинчи марта сайланишига эса АҚШ вето— наинки унинг номзодини қўллаш, аввалгидек балки номзодини овозга қўйишгаям қарши бўлди.

Дипломатлар эса бу вазиятга қарамай, Аннан ва Эсси номзоди овоз олиш натижаси боши берк кўчага кириб қолди, деб ҳисоблашмоқда. Бутрос Ғолий номзодига «муросасиз» ликнинг фойдаси йўқ, деб изоҳламоқда улар.

Бош котиблик лавозимига номзод 9 та овоз олиши, шунингдек БМТнинг доимий аъзолари Хитой, Франция, Буюк Британия, Россия ва АҚШ вакиллари қарши овоз бермаган тақдирдагина Ғолий ўрнини эгаллаши мумкин.

Ёпиқ мажлис якунида ҳозирча котиблик лавозимига кўрсатилган уч нафар номзоддан бирортаси кўнгилдагидек овоз ололмади. Янги номзод ҳам қўйилгани йўқ, деб айтди Хавфсизлик Кенгаши раиси Франческо Фульчи кенгаш биноси ёнига тўпланган дипломат ва журналистларга. «Агар янги номзод таклиф этилса, зудлик билан Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари билан боғланамиз. Улар ўз мамлакати билан кўрсатилган номзодга бўлган муносабатини билдиради», деб айтди Фульчи.

«АМЕРИКА ОВОЗИ»НИНГ ЯНГИ ДИРЕКТОРИ

ВАШИНГТОН. *АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ уй аппарати раҳбарининг ўринбосари лавозимида ишлаб турган Эвелин Либерманни «Америка овози»нинг янги директори этиб тайинлади. «Америка овози» радиостанцияси АҚШнинг энг нуфузли ахборот агентлигидан бири ҳисобланади.*

Либерман 1993 йилдан Оқ уй аппарати раҳбари ўринбосари лавозимида ишлаган биринчи аёл саналади. Сўнгра у матбуот котиби лавозимини эгаллади. Президент Клинтон Либерманни директорликка тайинлаш маросимида: «Америка овози» коммунизм ғояларига қарши курашда ҳамда ғалаба қилишда асосий ўрин эгаллаганлигини алоҳида қайд этаман. Ҳар ҳафта ер юзидаги 100 миллион тингловчи «Америка овози»ни эшитади. Унинг аниқ ахборотлари ҳаводек тингловчиларга зарурдир» деб эътироф этиб ўтди у. Либерман ўз навбатида «Америка овози» бу — демократия овозидир», деб ҳисоблайди.



«Бекободцемент» акциядорлик жамияти тараққиётнинг олдинги сафларига чиқиб олди.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Ўзбекистон — Япония

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентда қизиқарли учрашув ташкил этилди. Республика халқаро маданий-маърифий алоқалар уюшмаси биносида «Ўзбекистон — Япония» дўстлик жамиятининг фаоллари тўпландилар. Маълумки, бу жамиятга 1991 йили асос солинган. Ўтган қисқа даврда ҳар иккала мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, делегациялар айирбошлаш, қизиқарли тадбир, маросимларни уюштириш борасида саъй-ҳаракатлар қилинди. Хусусан, «Фукусима — Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси ташкил этган тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Япония ва Ўзбекистонда ўзаро маданият кунлари ўтказилиб келинаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Йиғилишда республика Халқаро маданий-маърифий алоқалар уюшмаси раисининг ўринбосари Ш. Маҳмудова билан Тошкент шарқшунослик институти ректори Н. Иброҳимовнинг Япония ҳақидаги таассуротлари кўпчиликка манзур бўлди.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Хатлардан сатрлар

***МУШТАРИЙ:** хабар қилади*

ТОШМАТ ТАЖАНГ ЎЙЛАНАРМИШ

Сурхондарё вилояти Маннон Уйғур номидаги мусиқа театрида Жўра Маҳмудовнинг «Тошмат тажанг ўйланармиш» номли комедияси тайёрланмоқда. Саҳналаштирувчи режиссёр Неъмат Пардаев ва рассом Бобониёз Қурбоновлар шу кунларда бор маҳоратини ишга солиб «куёвни кўндирмоқда». Театр мухлислари тез кунларда бўладиган тўйга, яъни театрга бориш чораларини кўриб қўйишларини сўраймиз. Бу комедиянинг қизиғи шундаки, бош ролни ижро этувчи «Тошмат» ролини ўйнай бошлаб, ҳақиқий тажанг бўлиб қолмоқда. Бош ролларда ... сир. Келин билиб қолиши мумкин.

Фотима ЖУМАЕВА.
Термиз шаҳри.

...таажжубини билдиради

«СИРЛИ» САНДИҚ

Ўзбекистон давлат санъат музейи фондидан топилган сандиқ мутахассисларни ҳайратга солди. Кейинороқ маълум бўлишича, бу «сирли» сандиқ ичида нима борлиги билан шу даврга қадар ҳеч ким қизиқиб кўрмаган. Яқинга келиб очиб кўрилса кишини ҳайратга соладиган ҳеч вақо йўқлиги аниқланди. «Сирли» сандиқ ичи 20-30 йилларда музей илмий ходимлари томонидан халқ санъати намуналарини тўплаш учун ташкил этилган экспедиция ҳужжатлари билан лиқ тўла экан. Ушбу ҳужжатлар шу пайтгача маълум бўлиб музей архивида сақланган. Бироқ сандиқ ичига ким томонидан, қачон ва нима мақсадда яшириб қўйилгани аниқланмаган, холос. Энди музей ходимлари бу ортиқча қоғозларни нима қилишни билмай туришибди-да.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос.
Тошкент шаҳри

... танқид қилади

ҚИШЛОҒИМДА ТЕЛЕВИЗОР ЁРИШМАС

Каттақўрғон туманининг «Мойбулоқ» жамоа хўжалигининг Ёнбош қишлоғида истиқомат қилаётган кексаю ёш шу кунларда ранжиб юрибди. Ҳамқишлоқлар пул тўплашиб, Бешбулоқда ҳашар йўли билан кучайтиргич минора тиклашганди. Афтидан мутахассислар астойдил ишламай носозликка йўл қўйишган. Бунинг оқибатида Лолаховуз, Қўшилиш, Қизиолма, Бодомчоли ва Улфатан қишлоқлари хонадонларида «зангори экран» томошаларидан бебаҳра қолинмоқда. Қишлоқдошлар зора янги йил базмини кўрсак, деб умид қилмоқдалар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
Каттақўрғон тумани.

ТЎЙДА ЎЙИНЧИ БЎЛСИН, ЛЕКИН...

Чиндан ҳам ўзбек хонадонида тўй кўп ва ўзгача. Биз ҳам оила аъзоларимиз билан «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 5 ноябрь сонида босилган сирдарёлик Абдураззоқ Бурлиевнинг «Тўйга ўйинчи керакми?» мақоласини ўқидик.

Мулоҳазамиз шуки, газета бу масалани кўтариб жуда хайрли иш қилган. Мен ҳам шу ҳақда кўп ўйлардим. Очиғи, муаллифнинг «раққосада ўзига яраша маданият, миллий анъаналаримизга садоқат, бошқаларга ҳурмат, ҳаё бўлса, ундайларни таклиф этиш мумкин», деган фикрига қўшилса бўлади.

Мен ҳам кўп тўйларда иштирок этганман. Яқинда Шофиркон туманида бир тўйда бўлдик. Кундуз куни эди. Ажойиб санъаткор, хушовоз хонанда Тоғай Мурод ўзининг дилрабо қўшиқлари билан даврани мафтун этди. Унинг ижросидаги Машраб, Навоий, Бобур, Зебуннисо, Махтумқули ғазалларини роҳат қилиб тинглаган меҳмонлар: отангга раҳмат, қани ҳамма тўйларимизда шундай санъаткорлар хизмат кўрсатса дейишди.

Пешкуда «Туркистон» жамоа хўжалигидаги бир тўйда республикада хизмат кўрсатган артист Шермат Файзуллаев ва ўйинчи қатнашди. Улар ҳам яхши хизматлари билан тўйга файз киритдилар.

Афсуски, кўп тўйларда тор, ғижжак, рубоб, доира йўқ. Қулоқни қоматга келтирувчи эстрада куй-қўшиқлари янграйди. Бири тоғдан, бири боғдан, поймапой қўшиқларни тушунолмайсиз. Абдураззоқ ёзганларидек, бизда ҳам хаваскор хонандалар турли жойлардан пул илинжида «раққоса»ларни олиб келишади. Уларда ҳаёдан асар йўқ. Озроқ «ютиниб» олиб, давра айланишади. Тўйхонада ўтирганларга тегажоғлик қилиб, пул учун бўсага ҳам тайёрдек ҳаракат қилишади. Бўлдией, деб тўйхонани тарк этишга мажбур бўласиз.

Тўй яхши нарса. Давр ўзгарди. Бизга кўпроқ ўзбек қўшиқлари, мумтоз ашулалар, миллий ўйинларимиз ёқади. Ўйинчи ҳам фақат санъатини ерга урмасин. Шунингдек, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўйинга тушиш ҳам унчалик миллатимизга хос эмас.

Собиржон ҚОДИРОВ.
Пешқу тумани «Меҳнат зарбдори» газетаси бош муҳаррири.

ТАКЛИФЛАРИМ БОР

«Тўйга ўйинчи керакми?» номли мақолани ўқигач, мулоҳазага бордим.

Тўй-томоша қилиб, халққа ош бериш азалий удум, анъана ҳисобланади. Фикримча тўйга келганлару, санъаткорлар хонадон соҳибини ҳурмат қилиши зарур. Тўйни ширин, файзли ўтказишда ташкилотчиларимизнинг тадбиркорлиги муҳим. Яъни санъаткорларни ҳам билиб таклиф қилиш керак. Тўй кўпчилик билан, аммо хайрли йиғин олдидан маслаҳатнинг аҳамияти беқиёс.

Муаллиф А. Бўрлиев ёзганидек: Тўйларда хизмат қилаётган баъзи ўйинчилар (уларни санъаткор дейишга ҳам тилинг бормайди) ўзларининг ҳар хил қилиқлари билан ўтирганларнинг ғашига тегиши турган гап.

Аксадо

Айни пайтда ўйинчининг бундай хатти-ҳаракатини ким қандай қабул қилиши ҳам ўзига хос маънога эга. Яъни эҳтиросга берилиб билиб-билмасдан ўйинчи рағбатлантириб қўйилади.

Баъзи таклиф-истакларим бор:

— Маҳалла оқсоқоллари, кўпни кўрган кексалар ва фаоллардан тўй комиссияси тузилса, жойларда маданият бўлимларида ўша ҳудуддаги санъаткорларни рўйҳатдан ўтказса:

— Тўй комиссияси ана шундай санъаткорларни тўйда хизмат қилишга чорласа.

Ўйлаймизки, бу унча ҳам мураккаб муаммо эмас.

Б. НАЙИМОВ,
республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Навоий вилоят бўлими мутахассиси.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 16

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 16 декабрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Дилнавоз садолар.
18.20 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак ва Матли».
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Эстрада тароналари.
9.00 Хива — 2500. «Ипак йўлидаги қадимий шаҳар».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аср муаммоси». Публицистик кўрсатув.
10.30 «Оҳанграбо». Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри спектакли.
11.10 «Эзгуликка йўғрилган умр». Телеочерк.
11.30 «Темурнома».
11.50 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.25 «Фитна». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ғаройиб Ғоша». Мультфильм.
18.05 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 1-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси
19.10—21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Араб Амирликлари — бугунги кунда». Ҳужжатли фильм.
22.50 «Спортнинг ажиб тури». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Қадриятлар — ифтихоримиз».
19.40 «Спорт-тайм».
20.10 Кечки сеанс. «Аршин мол-олан». Бадиий фильм.
21.35 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.45 «Шлягер».
22.00 «Авторейд».
22.10 «Кимга қанақа?».
22.40 Эълонлар.
22.45—22.55 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Биржа ва банк хабарлари.
10.25 Инглиз тили.
11.00 «Оналар мактаби».
11.30 «Темурнома».
11.50 Ўзбек қўйларидан концерт.
12.30 ЎзТВ хазинасидан. Ўйғун. «Зебуннисо». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.30 Дилнавоз садолар.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
19.15 «Замон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осиё кубоги-96» кундалиги.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Зарблар сеҳри». Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаев.
21.40 «Альманах-ТВ».
22.20 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».
23.30—00.15 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 2-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30—9.00 «Телетонг».

* * *

19.10—21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Жонли сайёра».

*

Россия давлат телевидениеси
22.55—23.25

*

23.25 Эълонлар.
23.30—23.35 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот дам олиш дастури.
19.15 «Жонли тил».
20.15 Эълонлар.
20.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.10 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
22.00 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
22.30 «Истеъдодлар ва мухлислар».
23.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.30 «Жиллет-спорт».
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Най».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
10.30 Зоология.
11.00 «Саҳна ҳаёти».
11.30 «Темурнома».
11.50 «Декабрь». Мультфильм.
12.00 «Фермер». Тележурнал.
12.30 «Амир Темур ва маънавият».
13.10 «Гулгунчалар».
13.30 Чанг тароналари.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олис Жанубда». Мультфильм.
18.20 «Орзуларим — наволаримда».
18.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
19.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адашлар».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
01.40 Тунги тароналар.
01.50—02.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Велле» намойиш этади...
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Спорт қитъаси».
23.25—00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Аренага йўл». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

* * *

19.10—21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари».

*

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.35

*

23.35 Эълонлар.
23.40—23.45 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Безнен мирас».
19.30 «Бу ажиб дунё».
19.50 «Кафолат».
20.20 «Азизим...»
20.50 «Мезон».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Тошкент оқшомида».
21.55 «Британия кундалиги».
22.25 «Тошкентнома».
22.55 «Уй остонадан бошланади».
23.25 «Гулдаста».
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
9.10 Кинолавҳа.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
10.20 Болалар учун. «Қувноқлар давраси».
10.40 «Театр учрашувлари».
11.10 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 Мумтоз ашулалар.
12.30 «Анъана ва замон».
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Катта танаффус».
18.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
19.15 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.
21.20 «Умримдан розиман». Рамз Бобожон.
21.45 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
22.10 «Стадионда учрашамиз».
22.35 «Оқ бино оқшомлари». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли».
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
12.00 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35—14.15 Видео — «О».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Керакли одам». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

* * *

19.10 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».

*

Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Она».
19.30 «Океандан океангача». USA-круиз.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «02» тўлқинида».
21.05 «Каталог».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Шахрим-фахрим».
21.55 «Интерспорт».
22.05 «Эколот-коктейль».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 «Шамол қанотларида само сари интилувчи орзулар». Телефильм (Япония).
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
8.55 «Юзма-юз», Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Соғлом авлод учун».
12.15 Дутор ва танбур тароналари.
12.45 «Олтин қалитча». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
19.20 «Тақдим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ватанимни қуйлайман». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Мафтункор чехралар».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Хуш келибсиз!»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Дилором наволар».
9.30 «Таманно».
9.40 «Табиат шифохонаси».
9.50 «Умрбоқий мерос».
10.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео — «О».
12.30—14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Хит-парад ва Эълонлар.
23.10—24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ғолиб». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

* * *

19.15 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 «Оқ йилқи». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.55 — 23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Замин саховати».
20.00 «Ер сайёраси».
20.15 Фан ва технология. «Жиддий нарсалар ҳақида ҳазиллашиб».
20.45 Эълонлар.
20.50 Келинг, кулишайлик. «Уч тентак ҳангомаси». («Коламбия пикчерс», АҚШ). 3-серия.
21.05 «Коинот».
21.35 «Сакура шохчаси».
22.05 Эълонлар.
22.10 Араб эстрадаси.
22.35 «КВН-96».
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
10.35 «Таранним». Мусиқий дастур.
11.05 «Йуллар ва уйлар».
11.30 «Темурнома».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.50 «Баҳс».
12.10 «Ватанпарвар».
12.40 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
13.00 «Жону дилим саньат». Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали театрининг актёри Равшан Солиҳов.
14.00—14.30 «Ёшлар ижоди».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совга».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. 3 — 4-ўринлар учун ўйин.
22.55 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Шукур Бурҳонов.
23.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Финал.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

00.50 «Суққабош эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Киноногох».
13.20—14.20 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.35 Эълонлар.
18.40 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
18.55 «Театр ҳақида ўйлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қадр ортидан».
20.05 «Жозиба».
20.15 «Олтин кент».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.25 — 21.40

*

21.40 Бадиий фильм. 1-серия.

*

Россия давлат телевидениеси
23.05 — 23.35

*

23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.55 «Болеро». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 «Чинсэн».
10.50 «Клип-антракт».
10.55 «Комедиантлар».
11.15 «Клип-антракт».
11.20 «Спектаклдан сўнг».
11.45 — 12.45 Кинонинг олтин асри. Ален Делон «Зорро» фильмида. 2-серия.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 «Беш дақиқа ўзинг учун».
20.40 Кинонинг олтин асри. «Зорро»нинг катта саргузаштлари». Бадиий фильм.
22.05 «Рақслар қанотида».
22.35 «Эсдалик учун дастхат».
23.05 «Ассалом, Франция!» дастурига илова. Бретань.
23.45 Эълонлар.
23.50 «Жиллет-спорт».
00.20 «Бу ажиб дунё».
00.40 «Комедиантлар».
01.00 — 01.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ўзбекистон спорти». Тележурнал.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кўнгил қучалари». Видеофильм. 21-кўй.
13.10 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.40 «Нодир хазина».
14.10 — 14.50 Бастакор Султон Ҳайитбоев ижоди.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун концерт.
18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Яқинлашаётган Америка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шахс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил қучалари». Видеофильм. 22-кўй.
22.55 «Футбол олами».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.10 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Қадр ортидан».
10.30 «Жозиба».
10.40 «Олтин кент».
10.50 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дўкон».
11.25 Видео — «О».
13.00—14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.50 «Боланинг тили...»
19.00 «Дилором наволар».
19.10 «Умрбоқий мерос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Дармон».
21.20 «Лаззат».
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео — «О».
00.20 Дастур ниҳояси.

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.00 — 20.50

*

20.50 Бадиий фильм. 2-серия.
22.15 Эълонлар.
22.20 — 22.45 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?».
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 «Дарвоқе». Биз Э ёшдамиз.
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. Френсис Коппола фильми. «Дракула».
16.35 Эълонлар.
16.40 «Сенинг вақтинг».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 «Телевидение — менинг ҳаётим». Галина Мельникова.
19.50 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 «Биргаликда куйлайлик».
21.10 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.40 Киносалон. Акиро Курасава фильми. «Кугимуша», 1 ва 2-серия лар.
23.50 «Голливуд-рок».
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

Футбол

УМИДЛАР ПУЧГА ЧИҚДИ

Катта футболда тасодифлар бўлиб туриши, кубок учун баҳсларнинг шиддатли ва муросасиз тус олиши табиий. Деярли барча имкониятлар яратиб берилган футболчиларимизга умид боғлагандик. Афсуски, улар ватандошларини ранжитишди. Сирасини айтганда, бўлиб турган нарсани йўққа чиқаришди. Ахир, сўнгги учрашувда жамоамиз билан майдонга тушган Сурия йигитларига нима керак эди? Шоншавкатми, ўзини кўрсатишми? Ҳатто ғалаба қозонганларида ҳам ўйинни давом эттиролмасликлари аён бўлиб турганда, нега улар ҳужумкорликка зўр бериб, ғалаба қозонишди? Бу бир синоат. Бундай ўзига хосликни ўрганса арзийди.

Хўш, йигитларимизга нима етишмасди? Нега улар ярим тунда минглаб мухлисларни мулзам бўлиб қолишларига йўл қўйишди. Мудофаада мустаҳкам туриб, ҳисобни дуранг қилишганида ҳам курашни давом эттиришга йўл очилардику. Аввало, йигитларимизнинг бунчалик бўшашиб, сусткашликка йўл қўйишларида бир гап бордай. Ҳайронмиз, нега улар бошқа футболчилардан кўра кўпроқ терлаб, ҳолсизланишди. Ҳатто Семёновнинг ўзи билмаган ҳолда дарвоза устунига бироз бўлсада суяниб туриши кишини ҳайратга солди. Оқибатда на ҳужумкорлик, на мудофаада ўзларини кўрсата олишмади. Албатта, жамоамизнинг фаолияти ҳар жиҳатдан таҳлил ва сарҳисоб қилинади ва муносиб баҳосини олади, деган умиддамиз. Акс ҳолда футболимизни ривожлантириш, халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан кўнглимиз тўлмай юраверади.

Хуллас, Осиё кубоги учун курашнинг гуруҳлардаги саралаш баҳслари якунланди. БАА, Қувайт, Корея, Эрон, Саудия Арабистони, Ироқ, Япония ва Хитой терма жамоалари чорак финалга йўлланма олишди. Айниқса, Хитой ва Корея футболчиларининг омади келди. Футболчиларимизнинг сўнгги учрашувдаги мағлубияти бу жамоаларнинг курашни давом эттиришларига имкон берди. Ҳозирча Япония жамоаси мағлубият нималигини билмай бош совринга асосий даъвогар бўлиб турибди. БАА футболчиларида ҳам етарли имконият бор. Олдиндан тахмин қилиш қийин. Нима бўлганда ҳам курашнинг ҳал қилувчи босқич учрашувларини янада кескин ўтиши кутиляпти.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омбордан Россияда ишлаб чиқарилган 13,6 х 38 ҳажмдаги қишлоқ хўжалик шиналарини **СОТАДИ**
Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш ёки вексель билан
Телефонлар: (3712) 54-99-77, 55-37-55.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ АВТОПРЕДПРИЯТИЙ!

ТАШКЕНТСКИЙ ФИЛИАЛ АО УЗАСК *"ЙУЛОВЧИ"* ПРЕДЛАГАЕТ СВОИ УСЛУГИ ПО СТРАХОВАНИЮ КОЛЛЕКТИВОВ АВТОПРЕДПРИЯТИЙ, НЕДВИЖИМОСТИ, ГРУЗОВ НА ВЗАИМОВЫГОДНЫХ УСЛОВИЯХ.

Кроме того, автопредприятиям предлагаем к реализации паронитты по низким ценам

Наименование	Ед. изм.	Количество	Цена (в сумах)
Паронит ПОН-0,4 мм	кг	1000	227
Паронит ПОН-0,6 мм	кг	1000	227
Паронит ПОН-0,8 мм	кг	944	227
Паронит ПОН-1,0 мм	кг	860	227
Паронит ПОН-1,5 мм	кг	602	182
Паронит ПОН-2,0 мм	кг	760	182
Паронит ПОН-3.0 мм	кг	314	182
Паронит ПОН-4,0 мм	кг	708	182
Паронит ПМБ-0,8 мм	кг	450	240
Паронит ПМБ-1,0 мм	кг	321	240
Паронит ПМБ-1,5 мм	кг	399	240
Паронит ПМБ-2,0 мм	кг	403	240

А также
ЗАПАСНЫЕ ЧАСТИ
к автомобилям ГАЗ-24, ГАЗ-53, ЗИЛ-130, КамАЗ, МАЗ более 500 наименований.
АВТОШИНЫ 185х15х82 (для РАФ).

«ЙУЛОВЧИ»
Адрес: г.Ташкент, ул. Ойбек, 47.
Телефоны: (3712) 54-78-19, 54-93-07.
Факс: (3712) 54-76-31.

АО «ВТОРЦВЕТМЕТ» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ ПРОИЗВОДСТВЕННАЯ ФИРМА **НОВАТОР**

Юқори сифатли ва жаҳон андозаларига мос бўлган эмал симларни ҳамда турли автомобиллар — "ВАЗ", "ГАЗ", "ЗИЛ", "ЗАЗ", "Москвич"ларнинг поршенларини ишлаб чиқарувчи, МДҲ ва Ўзбекистон бозорларида пешқадам ҳисобланмиш

"НОВАТОР" фирмаси

дилер ва ҳамкорларни ҳамкорликка чорлайди.

Келишилган нархлар ва Ўзбекистон бозорларида маҳсулотларимизга бўлган талаб сизга кенг имкониятлар яратади.

Мурожаат учун телефонлар:
(3712) 57-44-30, 57-78-55, 57-43-00. Факс: (3712) 58-69-70.

Производственная фирма
"НОВАТОР"
АО "УЗВТОРЦВЕТМЕТ"
реализует:
автомобили "Газель"
(ГАЗ — 330210
грузовой вариант с тентом)

автомобильные поршни всех моделей и всех ремонтных размеров.

Производит эмаль-провод марки ПЕТВ — 2 и по заказу клиента производит фрионостойкий эмаль-провод марки ПЭФ — 155 для ремонта холодильных установок.

Телефон для справок:
(3712) 57-43-00, 57-78-55, 57-44-30. Факс: 58-69-70.

•НЬЮ-ЙОРК. *Американинг энг нуфузли журналларидан бири «Бизнес уик»нинг хабар беришича, «Рус мафияси» Италиянинг «Коза ностра» гурухи билан бирлашиб, Нью-Йорк шахрининг молиявий маркази Уолл-Стритни забт килмокда.*

Хозирги пайтда Италия мафиясининг тўртта гурухи шафкатсизликда донг таратган «рус мафияси» хамкорлигида ўнлаб брокерлик фирмалари ўз назорати остида ушлаб турилибди.

***

• ЖЕНЕВА. *БМТнинг халкаро болалар жамгармаси ЮНИСЕФ ўзининг 50 йиллигини нишонлаш арафасида жахон хамжамиятини болалар мехнатидан фойдаланишни такиклашга чакирди. ЮНИСЕФ маълумотларига караганда, хозирги кунда ер шарининг 100 миллионга якин болалари мехнат килишга мажбур. Бу хол Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларида кенг таркалган.*

"ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"
"Ўзматлуботтаъминот" уюшмаси



Украинада ишлаб чиқарилган 10 кг.гача оғирликни ўлчовчи РН - 10Ц 13У рақамли тарозиларни **сотади.**
Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан.
Телефонлар: (3712) 48-43-92, 48-47-31, 48-64-89.

• АБУ-ДАБИ. *Афғонистоннинг Толибон харакатига карши курашаётган коалиция авиацияси сешанба куни пойтахтдан 40 чакирим шимолда жойлашган Исталиф кишлоғини бомбардимон килган.*

*Авиа хужум душанба куни генерал Абдурашид Дўстум ва Толибон кучлари

Обуначи бурчаги

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ НОБЕЛНИКИМИ?

Нуфузли бу мукофот соҳиби ким бўлган?

У ўзидан қандай илмий мерос қолдирган? деган саволлар кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Альфред Нобель 1833 йили Швецияда туғилган. Истеъдодли инженер-физик кўп тилларни биладиган салоҳиятли киши бўлган. Муҳим илмий тадқиқотлари учун ў Лондон қироллик жамиятига ва Швеция Фанлар академиясига аъзо этиб сайланган. Шуни ҳам айтиш керакки, Нобелнинг техника соҳасидаги ютуқларидан кўра, ўша вақтда Европада энг бой ҳисобланган бу инсоннинг ўлимига яқин (у 1896 йил, 10 декабрда оламдан ўтган) ёзган «васиятномаси» ҳаммани қизиқтириб қўйган. Зеро, дунёнинг қарийб барча мамлакатларига Нобель барпо этган 90 дан зиёд йирик саноат корхоналари, унинг Шотландия, Швейцария, Италия ва Франциядаги ер мулклари, шунингдек, Цюрих, Лондон, Вена банкларида сақланаётган қимматбаҳо қоғозлари унинг вафотидан сўнг кимларга тегишли эканлиги масаласи кўтарилди.

«Васиятнома»да: ***«Мен қуйида имзо чекувчи Альфред Бернхард Нобель, пухта ўйлаган фикр-мулоҳазалардан кейин шуни маълум қиламанки, мендан кейин қоладиган жамики мол-дунё васийим томонидан ишончли қоғозга туширилиши лозим ва у менинг номимдаги фондни ташкил қилиши керак. Ундан олинадиган фоизлар ўтган йил мобайнида инсониятга энг катта фойда келтирган кишиларга ҳар йили мукофот тариқасида тақсимланади»,*** *деб ёзилган эди.*

Олимнинг васияти буйича асосий фонддан олинадиган фоизлар беш қисмга бўлиниб, бир қисми — физика, яна бир қисми — кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасида муҳим кашфиёт қилганга, юксак ғоявий адабий асар ёзган ижодкорга, мавжуд армияларни йўқотиш ёки камайтириш, тинчлик анжуманларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ишига муҳим ҳисса қўшган одамга берилиши лозим эди. Шуни эслатиш керакки, мукофотларни Швеция Фанлар академияси, Стокгольмдаги Каролина институти, Стокгольм академияси, норвег парламенти сайлайдиган беш кишидан иборат қўмита топширади.

Нобелнинг вафотидан кейин унинг жами бойлиги пул ва қимматбаҳо қоғозлар ҳисобида 33 миллион кронадан иборат эканлиги аниқланди. Хусусий сарфиёт ва хайр-эҳсон учун икки миллион крона сарфланди. Қолган маблағ Нобель фонди ихтиёрига ўтди. Фонд баёнотларининг учдан икки қисми мукофотланганларга берилади. Мазкур мукофотни олишга сазовор бўлганларга Альфред расми туширилган махсус олтин медаль, диплом ва пул мукофоти топширилади. Низомга кўра, мукофот камида беш йилда бир марта берилади. Биринчиси 1901 йил 10 декабрда Нобель вафотига роппароса беш йил тўлганда берилди.

1900 йили олим Л. Соболев қанд (диабет) касаллигини даволашнинг тўғри йўлини кўрсатганида унга ҳеч ким эътибор бермаган эди. Аммо орадан йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг канадалик олимлар Ф. Бантинг ва Г. Бест Л. Соболевнинг тадқиқотини ўрганиб ва такрорлаб, инсулинни топишди ҳамда шу кашфиёт учун Нобель мукофотига сазовор бўлишди. Хўш, нима учун Соболевнинг ўзи инсулинни олишга эришолмади? Бунинг сабаби шундаки, ўша давр фанида диабетнинг сабаблари тўғрисида буюк физиолог К. Бернарнинг янглиш қарашлари ҳукмрон бўлган. Шу сабабли ҳам Соболевнинг илғор ғоялари бу йўналишга тамоман қарамақарши келарди. Худди ана шу зиддият туфайли унинг истиқболли кашфиёти эътиборсиз қолиб кетди.

Мана бу кашфиёт ҳам қизиқ кечган. Ўтган асрнинг йирик кимёгар олими Г. Кольбе ёш голланд тадқиқотчиси Вант-Гоффнинг стереохимия соҳасидаги илғор ғояларини менсимай, уни «уддабурро тирмизак» деб камситган эди. Қарангки, орадан сал вақт ўтмай ана шу «тирмизак» Нобель мукофоти соҳиби бўлди. Кўриниб турибдики, халқаро Нобель мукофоти фандаги жуда жиддий кашфиётлар учун берилган.

Жаҳон илмий жамоатчилиги яқинда Альфред Бернхард Нобель вафотининг 100 йиллигини кенг нишонлади. Бу йирик сана муносабати билан Нобель мукофоти соҳиблари сони яна ортиши шубҳасиздир.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ЮРАК ДЕГАН ЖАВОҲИР

1960 йилда Санъат институтига кирганман. Ўқишга кираётганлар орасида ёши биздан каттароқ, гавдали, сочлари жингалак, қоп-қора йигит ҳам юрарди. «Отелло!» деб кўрсатарди ҳамма уни бир-бирига. Отеллонинг ўзи эди-да! Деярли ҳамма унга ҳавас ҳамда бироз ҳайиқиш билан боқарди. Важоҳати ҳайиқтирарди-да! Гаплашиш у ёқда турсин, ёнидан ўтишга ҳам журъат қилиш қийин эди. «Самарқанддан келган эмиш, университетни битирган эмиш», деган шивир-шивир юрарди. Унинг ёнида юрадиган, у билан мулоқот қиладиган бир неча йигитга ҳавас қилардик...

Ўқишга ҳам кирдик. «Отелло» ҳам кирибди, албатта. У кундузи, мен кечқурун ўқирдик. Энди унга салом беришга, гоҳи-гоҳида эса гаплашишга журъат қиладиган бўлдим...

У билан муомала қила бошлагандан кейин билдимки, биз унинг важоҳатига алданиб юрган эканмиз. Отелло монологида: «Менинг хунук важоҳатим ва қора таним пардасига ўралган бир жавоҳирим бор... ...Юрак дея аталади у жавоҳирим», деган сатрлар бор. Бизнинг «Отелло» ҳам шунақа — ниҳоятда дилкаш, самимий, дўстга жонини қурбон қилиб юборадиган одам экан...

Дарвоқе, «Оттело»ни таништириш фурсати етди шекилли. Бу важоҳати «қўрқинчли» одамнинг исми ҳам ўзи сингари оддийгина — Таъна-берди экан. Бугунги кунда мухлислар эъзозида юрган Ўзбекистон халқ артисти Таъна-берди Қурбонов қарийб қирқ йил бурун санъат оламига шу тариқа кириб келган эди.

Қурбонов (кўпчилик уни исми билан эмас, фамилияси билан атайди) институтни тугатгач, бутун синфи билан Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрига ишга келади. Бу даргоҳдаги Зайнаб Содиқова, Кифоят Муслимова, Рустам Мансуров, Зоҳид Содиқов, Баҳо Тожиев, Муса Муқимов сингари бетакрор саҳна усталари билан елкама - елка меҳнат қила бошлайди.

Қурбонов театрда ўзини эндигина ишга келган киши сингари тутмайди, «одоб сақлаб» турмайди. Аксинча, йирик-йирик ролар талаб қилади. Бу ролларни боплаб ўйнайди ҳам. Шу тариқа тезда мухлис ва мутахассислар эътиборини қозонади.

Хўш, у бунга қандай қилиб эришди? Менимча, шу ўринда университетдаги таҳсил бекор кетмаганини қайд этиб ўтиш лозим. Филология факультетида ўтган беш йил мобайнида Қурбонов жуда кўп назарий билимга эга бўлади, жаҳон адабиётининг дурдоналари билан танишади (у немис филологияси буйича таҳсил кўрган), интеллектини оширади. Интеллектнинг баландлиги кейинчалик унинг Эзоп, Мирзо Улуғбек, Отелло ролларини ўзлаштиришига жуда катта ижобий таъсир кўрсатгани шубҳасиз.

Қурбоновнинг учта ролини эсладим. У қарийб ўттиз йиллик ижодий фаолиятида театрда ҳам, кинода ҳам жуда кўп роль ўйнаган, бироқ учта классик асар — «Эзоп», «Мирзо Улуғбек», «Отелло» спектакларидаги бош роллар ижроси актёр Қурбонов ижодидагина эмас, ўзбек театри тарихида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Дил изҳори

Мен унинг Мирзо Улуғбек ва Отелло ролларини тайёрлаш жараёнидан бироз хабардорман. Юқорида интеллект ҳақида бекорга гапирганим йўқ. У иккала образни ҳам жуда узоқ, эринмасдан тайёрлаган, қаҳрамонлари тақдири билан боғлиқ барча ички-чикир унсурларгача эринмасдан, муфассал ўрганган эди. Унинг интеллекти, талабчанлиги, ишга ниҳоятда жиддийлик билан ёндашуви режиссёрларга ҳам кўп нарса бергани шубҳасиз.

Қурбонов улкан актёргина эмас. У улкан ташкилотчи ҳам. Шу туфайли орада бироз танаффуслар билан узоқ вақт мобайнида театрни бошқарди. Республикада хизмат кўрсатган артистлар Носир Файзиев, Шукур Самандаров, Раъно Жўрақулова сингари сафдошлари билан театрни ҳам ташкилий, ҳам бадиий жиҳатдан кўтаришга интилди, ёшларга мураббийлик қилди.

Доимо бир гапни такрорлаб юраман: назаримда биз — Худонинг назари тушган халқмиз. Чунки узоқ тарихимиздан тортиб, бугунги кунимизгача олиб қаранг —буюк сиймоларимиз, истеъдодли кишиларимиз ниҳоятда кўп. Ўзбек театри маданиятини юксалтиришга муосиб ҳисса қўшган, бинобарин ўзбек театри тарихига ўз саҳифасини ёзган Таъна-берди Қурбонов ҳам халқимизнинг ана шундай истеъдодли фарзандларидан бири. Халқимиз бундай фарзандларини доимо эъзозлаб келган. Халқ эъзозидан юксак мукофот, халқ эъзозидан олийроқ бахт бўлмаса керак. Мен бугун юрак деган жавоҳир эгаси, шунинг учун ҳам суюкли актёр, суюкли инсон, суюкли дўст Таъна-берди Қурбоновни бағримга босиб, ана шу бахти билан қутлайман.

Машраб БОБОЕВ.

ЖУНАНИНГ ҚЎЛЛАРИНИ «ТИНГЛАНГ»

Сир-синоатлар

Неча бор гапирган бўлмай, яна такрорлайман: асосий тиббиёт билимларисиз, ташхис аниқ тасдиқланмай ва даволаш жараёни назорат қилинмай туриб, инсон организмидек мураккаб механизмни тузатишга зинҳор уринмаслик керак. Лекин ҳар қалай кўпчилик кишиларнинг оғир дақиқаларда яқин одамлар ва дўстларига баҳоли қудрат ёрдам бериш истакларини тушунаман. Қўл теккизмай уқалашнинг профилактик усулини тавсифлашга киришишдан аввал бир неча маслаҳат бериб ўтишни истардим. Оғир касалликларни, айниқса, хуруж тутган бош қисмда даволашга ҳеч қачон уринманг. Бунинг учун бизда билим ва малака етишмайди. Сеансларни дори-дармон ёрдамида даволаш билан бирга ўтказиш мумкин ва ҳатто керак ҳам. Чунки бу беморнинг аҳволини енгиллаштиради.

Аниқ диагноз маълум бўлмаса, касал аъзога таъсир беришга уринманг. Ўз-ўзингизни даволаш билан шуғулланманг! Ҳомиладор аёлларга сеанс бериш мутлақо мумкин эмас. Болалар учун сеансни улар ухлаб ётган пайтда ўтказган яхши.

Оператор, яъни сеанс ўтказаётган одам нималарни ҳис қилиши керак? Қўлларини бемор бадани бўйлаб ҳаракатлантирар ёки бемор устида 5-10 см масофада тутиб турар экан. Оператор қўллари исиётганини, баъзан эса бармоқлари учи санчаётганини сезади. Сиз таъсир бераётган одам қўлингизнинг нурланишини ҳис этиши керак. Бунинг учун машқ қилинг. Қўлингизни шундай тутингки, кафтингиз бемор бадани томонга очилган, бармоқларингиз салгина букилган ва бемор баданига нисбатан перпендикуляр ҳолда йўналтирилган бўлсин. Қўлларингизни эркин тутинг, зўриқтирманг. Лекин бўшаштириб ҳам юборманг. Хаёлан бармоқларингиз учига диққатингизни жамланг-да, қўлларингизни бемор бадани бўйлаб оҳиста, аввал юқоридан пастга томон, кейин пастдан юқорига ҳаракатлантиринг. Қўлларингиз бемор баданини масофадан туриб, авайлаб силаб сийпаётгандек бўлсин ғўё. Бемор боши узра кафтларингиз деярли туташади, кейин айланиб, яна пастга интилади. Бошқа усули — қўлларнинг ҳалқасимон ҳаракати бош устидан бошланади. Кейин бадан бўйлаб тушиб, тиззагача боради. Ҳаракатларнинг бу икки хили шартли равишда «қувват тақсимоти» деб аталади ва профилактик усулнинг асоси ҳисобланади. Мана шу ҳаракатларни бажариш толиқишни йўқотади, артериал босимни ростлайди, кайфиятни, уйқуни яхшилайди. Қувват тақсимоти — ҳар қандай касалликда ҳар бир сеанснинг таркибий қисмидир. Шу ҳаракатлар бажарилганидан кейин қон микроциркуляцияси яхшиланади, организмнинг умумий фаолияти жонланади, иш қобилияти ортади.

Сеансни исталган вақтда ўтказса булади. Унинг давомийлиги 10-15 дақиқа оралигида. Қувват тақсимоти усулини бажариш билан сиз организмни фаол ишлашга жалб этасиз. Сеанс тугаганидан кейин кафтлар билан кўкрак қафаси атрофи ва елканинг юқори қисмини ҳалқасимон тарзда яхшилаб уқалаш керак. Бу ҳаракат иккала қўлда соат мили йўналишида бир пайтнинг ўзида бажарилади. Барча сеансларни шу ҳаракат билан тугаллаш зарур. Улар айрисимон без фаолиятини жадаллаштириб ўпканинг юқори қисмларига қон келишини кучайтиради.

Прессимон ҳаракатлар (номи шартли). Улар қўлларни горизонтал текисликда ўзаро яқинлаштириш ва узоқлаштиришдан иборат. Кафтлар ўзаро 10-15 см масофада, бармоқлар бемор баданига қаратилган ҳолда. Кейин кафтлар ўзаро 3-5 см гача яқинлаштирилади ва яна узоқлаштирилади.

Суғуриб олиш (бу ном ҳам шартли) деб аталувчи усул тез-тез қўлланади. Бу — касал жой атрофида панжаларнинг айланма ҳаракатидир. Бунда бармоқлар бемор баданига перпендикуляр равишда йўналтирилади. Бир неча айланма ҳаракатлардан кейин қўл 5-10 см четга олиниб, бармоқлар тўлиқ бирлаштирилади.

Бу усулларни синчиклаб ўрганиш керак, машқларни сайқаллаш учун аввал шунчаки қўл ҳаракатларини ўзлаштириб, бир меъёрда ва оҳиста бажарилишига эришмоқ лозим. Қачонки ҳаракатларингиз силлиқ чиқаётганига ишонч ҳосил қилсангиз, ўшандан кейингина профилактик сеанслар ўтказишга киришувингиз мумкин.

Машҳур кишилар ҳаётидан

КИМСИЗ ЎЗИ, ЖАНОБ НЬЮТОН?!

Бундан уч-тўрт йил муқаддам Лондонда бир ажойиб китоб чиққанди. У улуғ инглиз олими, бутун дунё тортишиш қонунининг кашфиётчиси Исаак Ньютонга бағишланган. Китобда олим ҳаёти ҳақида янги-янги маълумотларга дуч келиб, ёқангизни ушлайсиз. Маълум бўладики, Исаак Ньютон фақат физика, астрономия билан шуғулланибгина қолмасдан, балки турмуш тақозоси билан ўз вақтида танга зарб қилган, давлат корхонасида директор бўлиб ишлаган. Вакти-вакти билан кора магия билан шуғулланган. Жодугарлик билан ҳам қизиққан экан. Худди шу қизиқиш унинг бошига бало бўлган, яъни Ньютон Кембриж университетининг Принити коллежидаги филиалга рахбар қилиб юборилаётган эди-ю...

Лекин жоду билан шуғулланиш машҳур олимнинг юксак лавозимга кўтарилишига ҳалақит бериб қолди!

(«Обунач бурчаги» материалларини Озода БЕКМУРОДОВА саралади).

«БУЮК АМИР ТЕМУР» ЭКРАНГА ЧИҚДИ

«Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Буюк Амир Темур» номли икки серияли бадиий фильмини яратди.

Фильм ёш Темурнинг сиёсий ҳаётга кириб келиши, унинг Ҳусайн ва Илёсхўжа каби амирлар билан бўлган мураккаб муносабатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Мазкур йирик киноасарнинг сценарийсини таниқли темуршунос олим Б. Аҳмедов, Б. Содиқов, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов ва олим А. Аҳмедовлар яратдилар. Фильмни таниқли кинорежиссёрлар И. Эргашев ва Б. Содиқовлар суратга олишган. Шуни айтиб ўтиш лозимки, фильмни тажрибали кинооператор Р. Иброҳимов маҳорат билан тасвирга туширган. Постановкачи рассом ҳамда костюмлар танловчи И. Гуленко ва З. Носироваларнинг маҳоратини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бош ролни истеъдодли актёр Б. Муҳаммадкаримов ижро этган. Қолган ролларда Б. Зокиров, А. Бейшеналиев, А. Муҳаммаджонов, М. Фарҳодий, М. Ражабов ва бошқалар ўйнаганлар.

Фильмнинг тақдимот маросими 16 декабрь куни соат 18.00 да Киночилар уйида бўлиб ўтади. Эртаси кундан бошлаб Тошкент кинотеатрлари экранларига чиқарилади.

У. АЛИМОВА.

Диққат, обуна давом этмоқда!
Азиз юртдошлар!

"ОБУНА-97"

ОСИЁ БОЗОРИ

Мустақил иқтисодий газетасига 1997 йил учун обуна бўлишни унутманг.

"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:

- мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай бораётганлигидан хабардор бўласиз;
- кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;
- молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;
- қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;
- ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.

"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс : 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЗАМОНАВИЙ ТАРМОҚ

ЗАМОНАВИЙ ТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАҚИДАГИ МАҚОЛАЛАР ТУРКУМИДАН

БИР НЕЧА БИНОНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КОРПОРАТИВ ТАРМОҚ

Айрим биноларнинг тармоқлар ўлчами ошганида, шунингдек уларнинг ўтказиш қобилияти ўсганида умумий магистраль корпоратив тармоқнинг танг жойига айланиб қолиши мумкин. Сиқиқ магистраль архитектураси ва коммутация технологиясини корпоратив тармоқ қўламида қўллаш бундан чиқиши йўли бўлиши мумкин. Бундай усул айрим биноларнинг коммутаторларининг тармоқларини боғловчи марказий коммутация қурилмаси базасида амалга оширилади. Умумий корпоратив тармоқни тузишнинг уч усули. Ҳар бирини қўллаш, жамлаш технологиясини амалга оширувчи бўлинмага нисбатан ўтказиш қобилиятини сезиларли оширишга эришиш учун имкон беради.

КОММУТАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚАВАТ ДАРАЖАСИГА ЎТКАЗИШ

Тармоқ унумдорлигининг янада ўсиши коммутацияни (шунга яраша коммутация этувчи қурилмаларни ҳам) бино даражасидан айрим қаватлар даражасига ўтказишни тақозо этиб, бунда кўп сонли тезлиги кемтик каналларни қават коммутаторларини марказий тармоқ қурилмаси билан боғлайдиган кам сонли юқори тезликдаги магистраль линияларга алмаштирилади.

МАГИСТРАЛЬ КАНАЛЛАРНИ ЯРАТИШ УЧУН АТМ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Тармоқ магистрали унумдорлигини АТМ технологиясини қўллаш ҳисобига сезиларли ошириш мумкин. Ҳар қандай мураккабликдаги инфраструктурали магистраль унинг энг масъулиятли бўгини ҳисобланади, зеро у барча қўйи тизимлар ўртасида маълумотларни ўтказишга жавоб беради. Замонавий тармоқ магистралининг асосий мезонлари унинг унумдорлиги ва ишончлилиги ҳисобланади. АТМ технологияси бино даражасидаги ёки шаҳарча даражасидаги (campus) магистрални ташкил этиш учун энг замонавий база ҳисобланади.

АТМ технологияси узунлиги қайд этилган, 53 байтга тенг бўлган қисқа тармоқ пакетларидан (ячейкалар деб юритилади) фойдаланишга асосланган. АТМ узеллар учларини ўзаро боғлаш ва тармоқ инфраструктурасини яратиш учун ячейкалар коммутаторларидан фойдаланилади. АТМ технологиясининг мавжуд андозалардан асосий фарқи, шундаки, унинг энг чекка узеллар ўртасида мантиқий уланишдан фойдаланишга асосланганлигидир. Боғланиш технологиясидан фойдаланиш ҳар бир ячейкага узатилаётган манзилли ахборот ҳажмини камайтиришга имкон беради, натижада оралиқ тармоқ қурилмаларининг пакетларни қайта ишлашга сарфлайдиган вақт анчагина камаяди.

АТМ тармоғи бир типдаги қурилмалар — коммутаторларни қўллашга қурилганлиги сабабли мазкур технология тармоқ инфраструктураларининг барча типларини — ишчи гуруҳларидан тортиб то жаҳоншумул тармоққача — амалга ошириш учун тўғри келади. АТМ тармоқларида маълумотларни узатиш тезлиги амалда чекланмаган ва у 25 МБит/=с.дан 2 ГБит/с.гача ташкил этиши мумкин.

АТМ андозасининг принципиал фарқи ҳар бир мустақил уланган локал тармоққа ягона интерфейс ичида алоҳида виртуал канал ажратиш имконияти ҳисобланади. Шундай қилиб, ушбу андозанинг қўлланишини жисмоний вертикал интерфейслар сони кам бўлган ҳолда кўпроқ сегментланган тармоққа эга бўлиш имкониятини беради. (битта жисмоний АТМ —қўшилма Ethernet нинг 15 дан 30 гача лоқал тармоғини ҳар бир қаватда сақлаб туриши мумкин).

АТМ андозасидан фойдаланиш тармоқ инфраструктураси унумдорлигини қўшимча оширишга имкон беради, чунки ушбу андоза латентлик (узатилаётган кадрларнинг турли ўлчамлари билан боғлиқ кечикишлар) хусусиятларига эга эмас чунки маълумотлар қатъий белгиланган узунликдаги (ячейкалардаги) пакетларда узатилади. Кечикиш шунингдек, «оқимли марштрутизатор» технологиясини қўллаш ҳисобига ҳам камайтирилиши мумкин. У бутун туркум орасидан фақат биринчи ячейкани таҳлил этишдан иборат, зеро маршрутизация учун барча зарур бўлган ахборот айнан унда мужассам.

НЕГА АЙНАН АТМ?

Коммутацияланувчи тармоқлар магистраллари Fast Ethernet, FDDI ёки АТМ асосида ташкил этилиши мумкин. 3Com фирмаси барча уч технология учун ечимга эга. Бироқ айнан АТМ технологияси энг истиқболлидир. Fast Ethernetнинг иш қобилияти, ҳатто жисмоний тезлик таққослаганида ҳам, АТМ никига нисбатан анчагина кичик. FDDIнинг қиймати эса АТМ андозаси буйича тармоқдан қарийб фарқ қилмайди. Айни чогда Ethernet ва FDDI кадрларга виртуал кичик тармоқлар ташкил этишга зарур манзилли ахборотлар учун махсус майдонларга эга эмас. Ethernetнинг коммутацияланувчи андозаси тўғрисида умумий битимга ҳозирча эришилгани йўқ, асбоб-ускуналар ишлаб чиқараётган ҳар бир фирма манзилли ахборотни тақдим этиш учун ўз форматларини ишлаб чиқмоқда. Шу боис турли фирмаларнинг коммутацияланадиган тармоқлар магистраллари учун асбоб-ускуналари. Fast Ethernet ва FDDI протоколларида фойдаланилаётган андозага қарамай, бир-бирига мос эмас. Улардан фарқли ўлароқ, АТМ тармоқлари виртуал кичик тизимларни ташкил этувчи ўрнатилган воситаларга эга. Шу боис бу ҳолда манзилли ахборотларни узатиш учун қўшимча протоколларга зарурат йўқ. АТМ тармоқларининг «ноандозавийлиги» тўғрисида тарқалган тасаввур ҳозир фақат қисман ҳақиқатга яқин, боиси АТМ Форумининг қабул қилинган андозалари шу ташкилотга қўшилган кўпгина йирик фирмалар асбоб-ускуналарига тўғри келишини таъминлайди. 3 Com компаниясининг АТМ асбоб-ускуналари, ўтказилган тест натижаларига мувофиқ, Cisco, Cabletron Systems, Fore Systems, Bay Networks асбоб-ускуналари билан АТМнинг асосий андозаларини қўллаб-қувватлашда мос келади. АТМ тармоғида виртуал кичик тармоқларни ташкил этишдаги оддийлик 3 Com фирмасининг АТМ асбоб-ускуналари қиймати FDDI қийматидан амалда фарқ қилмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги вақтда АТМ базасида тармоқни амалга ошириш муваффақиятининг гарови — бу АТМ қурилмалари тўла спектрини ишлаб чиқараётган ишлаб чиқарувчига йўналтирилганлигидир. Улар мавжуд халқаро андозаларга тўла мувофиқ равишда амалга оширилган ва андозалар спецификациясида эҳтимол бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қурилмалар конфигурациясига ўзгаришларни осон киритади.

3 Com компанияси АТМ базасида тармоқларни қуриш учун асбоб-ускуналарнинг тўлиқ спектрини ва уларнинг мавжуд тармоқлар билан алоқасини ишлаб чиқараётган ишлаб чиқарувчи ҳисобланади.

(Давоми келгуси шанбада).

Шавкат АЗИМОВ,
техника фанлари номзоди.
Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Боши газетанинг 23 ва 30 ноябрь сонларида)

"ТАРМОҚ АКАДЕМИЯСИ"
Novell, Microsoft, SCO ва IBM нинг Муаллифлаштирилган Ўқув маркази ахборот технологиялари соҳасида юксак малакали мутахассисларни тайёрлайди.

ДИСТРИБУЦИЯ
Novell Inc, Microsoft, IBM Corp., American Power Convertion, Hewlett Packard, Seiko Epson Corp., AST Research Inc., 3Com, ZyXEL каби ахборот технологиялари соҳасида ишлаётган жаҳондаги 30та энг йирик ишлаб чиқарувчиларнинг дистрибьютери ва ҳамкори ҳисобланади.

АЛОҚА ВА ЭЛЕКТР АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ТИЗИМЛАРИ
Энг янги технологиялар асосида алоқа ва электр асбоб-ускуналари тизимларини лойиҳалаш ҳамда яратишни таъминлайди.

ЛАНИТ-ТА

ТИЗИМЛИ ИНТЕГРАЦИЯ
Мураккаб тармоқли тизимларни яратишга йўналтирилган.

МОЛИЯВИЙ ВА ОФИС ТИЗИМЛАРИ
Йирик корпоратив мижозлар учун ахборот тизимларини лойиҳалайди ва яратади.

"ЛАНИТ - КОНДИ" -ҲАВОНИ КОНДИЦИОНЕРЛАШ ТИЗИМЛАРИ
Ҳавони кондиционерлашнинг ишончли юксак сифатли тизимларини таклиф этади.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ
Замонавий ахборот технологиялари асосида офис тўлов тизимларини ишлаб чиқади.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНМАСИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
Ҳужжатларни ва ҳужжат айланмасини бошқариш учун комплекс ечимлар ишлаб чиқади.

"ЛАНИТ-ТА" ҲЖ, 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 95.
Телефон/факс: (3712) 33-20-99, 30-45-36. E mail: inro@vealine. gimli. com
"ЛАНИТ" ҲЖ, Москва, Доброслободская кўчаси, 5.
Телефон: (095) 267-3038. Факс: (095) 216-5781. E - mail: lanit@lanit. msk. su WWW: http:// www. lanit. msk. su/

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти жамоаси институтнинг «Нашриёт ва тезкор полиграфия» бўлими етакчи мутахассиси **Баҳодир Зуфарович УСМОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси жамоаси гимназия директори Абдусалом Умаровга отаси **Воҳид УМАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.